

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ ВАЗИРЛИГИ**

**ХАЛҚ ТАБОБАТИ МУТАХАССИС ( ШИФОКОРИ) НИНГ  
МАЛАКА ТАВСИФНОМАСИ**

**Тошкент – 2020**

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ ВАЗИРЛИГИ

ХАЛҚ ТАБОБАТИ МУТАХАССИС ( ШИФОКОРИ) НИНГ  
МАЛАКА ТАВСИФНОМАСИ  
(5511100 – ХАЛҚ ТАБОБАТИ)

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2020 йил  
“08” 09 даги 236 -сонли буйруғининг 5 иловаси билан  
тасдиқланган.



## **ТУЗУВЧИЛАР:**

*Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни Сақлаш Вазирлиги  
Тошкент тиббиёт академияси.*

## МУНДАРИЖА

<b>1.</b>	<b>Умумий қоидалар</b>	<b>4</b>
<b>1.1</b>	Ушбу малака тавсифномаси давлат меъёрий хужжати бўлиб, қуйидагилар асосида тузилган	<b>4</b>
<b>1.2</b>	5510000-халқ таъбири мутахассислиги бўйича малака тавсифномаси давлат меъёрий хужжати бўлиб, қуйидагиларни белгилайди	<b>4</b>
<b>1.3</b>	Ушбу малакавий тавсифномаси мўлжалланган	<b>4</b>
<b>1.4</b>	Халқ таъбири мутахассиси малакавий тавсифномаси ишлатилади	<b>5</b>
<b>1.5</b>	Халқ таъбири мутахассисининг касбий тайинланиши ва иш фаолиятининг шарт-шароитлари	<b>5</b>
<b>2.0</b>	<b>Халқ таъбири мутахассисига малака тавсифномаси</b>	<b>6</b>
<b>2.1</b>	Халқ таъбири мутахассиси билимлари	<b>6</b>
<b>2.2</b>	Халқ таъбири мутахассиси қўникмалари	<b>7</b>
<b>2.3</b>	Асосий назарий билимлар Халқ таъбири мутахассиси билиши керак	<b>7</b>
<b>3</b>	<b>Аҳоли саломатлигини сақлаш ва касалликларнинг олдини олишда (профилактикасида) халқ таъбири мутахассисининг ўрни</b>	<b>8</b>
<b>3.1</b>	Халқ таъбири мутахассисининг мажбуриятлари	<b>8</b>
<b>4.</b>	<b>Соғлиқни сақлаш бирламчи тизимида қўрсатиладиган тиббий ёрдам хажми</b>	<b>9</b>
<b>4.1</b>	Қўрсатиладиган ( <i>тиббий ёрдам тури</i> ) даражасига қўра халқ таъбири мутахассиси томонидан бажариладиган фаолият	<b>9</b>
<b>4.2</b>	Даволаш профилактика, диагностика ва х.к. тадбирларини ўтказилиши қўзда тутилган касалликлар рўйхати	<b>9</b>
<b>5.</b>	<b>Халқ таъбири мутахассиси эга бўлиши шарт амалий қўникмалар</b> Халқ таъбири мутахассиси қуйидаги амалий қўникмаларга эга бўлиши керак	<b>10</b>
<b>6.</b>	<b>Халқ таъбири мутахассисининг муносабатларига қўйиладиган талаблар.</b> Беморларга нисбатан халқ таъбири мутахассиси томонидан қўрсатиладиган муносабат	<b>10</b>
<b>7.</b>	<b>Ўзлуksиз касбий таълим ва халқ таъбири мутахассисининг аттестацияси</b>	<b>11</b>

## 1. Умумий қоидалар

Аҳоли саломатлигини таъминлаш, тиббий-санитар ёрдам кўрсатиш, турли хил, айниқса сурункали касалликлар профилактикасида ва уларни даволашда сифат, хавфсизлик ва самарадорлик жиҳатидан амалда синалган халқ табobati муҳим ўрин тутди. Саломатлик, осойишталик, инсонларга қаратилган тиббий-санитар ёрдам кўрсатишни таъминлаш, тиббий-санитария хизматлари сифатини ошириш, соғлиқни сақлаш хизматлари билан ялпи қамраб олишни кенгайтириш ҳамда истеъмолчиларга ўз соғлиғи ҳақида ғамхўрлик қилиш борасида онгли танлов учун имкониятлар яратишда халқ табобатининг салоҳиятидан фойдаланиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш тизимида юқори сифатли халқ табobati мутахассисни тайерлаш ва замонавий тиббиёт усулларни ёрдамида аҳолини даволаш ва касалликларни олдини олиш талаблар кўйилган.

Ушбу халқ табobati мутахассисининг малакавий тавсифномаси замонавий талабларга жавоб берадиган мутахассислар тайёрланишида асосий ҳужжат ҳисобланади.

Халқ табobati мутахассисининг тавсифномаси кадрлар тайёрлашга унифицирланган ва тизимли ёндашув яратиб беради.

### **1.1. Ушбу малака тавсифномаси давлат меъерий ҳужжати булиб, қуйидагилар асосида тузилган:**

“Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича комплекс чора-тадбирлар тўғрисида” 07 декабр 2018 йилдаги №5590 ПФ;

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 6 майдаги “Тиббиёт ва фармацевтика таълими ва илм-фани тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-4310-сонли қарори;

“Олий таълим тизимини истиқболли такомиллаштириш чора-тадбирлари” 20 апрель 2017 йилдаги №2909 ПҚ;

«Ўзбекистон Республикасида тиббий таълим тизимини янада ислох қилиш чора-тадбирлари тўғрисида» 05 май 2017 йилдаги № 2956-сонли ПҚ.

“Тиббий кадрлар тайёрлаш истиқболли такомиллаштириш” 27 сентябр 2017 йилдаги № 769 Вазирлар Маҳкамаси Қарори.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 12 октябрдаги “Ўзбекистон Республикасида халқ табobati соҳасини тартибга солиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-3968-сонли қарори;

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 10 апрелдаги “Ўзбекистон Республикасида халқ табобатини ривожлантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-4668-сонли қарори;

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2020 йил 12 августдаги “Тиббиёт ва фармацевтика олий ва ўрта махсус касб хунар таълим муассасаларида таълим жараёнини ташкил этиш бўйича меъерий ҳужжатларни янада такомиллаштириш тўғрисида”ги 209-сонли буйруғи.

**1.2. 55 11100-халқ табобати таълим йуналиши (бакалавриатура мутахассислиги) буйича** малака тавсифнома давлат норматив хужжати ҳисобланади ва қуйидагиларни белгилайди:

- халқ табобати мутахассис-шифокори фаолиятининг асосий талаблари ва фаолият юритиш шартлари, профессионал йўналтирилиши;
- халқ табобати мутахассис-шифокори бўлган малака талабларини;
- халқ табобати мутахассисининг аттестациядан ўтказиш талабларини; халқ табобати мутахассисининг олий тиббий олийгоҳларда тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш ўқув дастурлари асослари; Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш тизимида халқ табобати мутахассисини тайёрланиш сифатини ошириш ва ушбу жараёнда масъулият ортиб боришига замин яратади;
- халқ табобати мутахассисининг амалий фаолиятини баҳолаш мезонларини ишлаб чиқишни.

**1.3. Ушбу малака тавсифномаси мўлжалланган:**

- тиббий олийгоҳлар ва уларнинг филиаллари;
- соғлиқни сақлашни бошқармалари;
- ушбу мутахассис меҳнатидан фойдаланувчи вазирликлар, бошқармалар, муассасалар ва ташкилотлар;
- соғлиқни сақлаш маҳаллий бошқармалари;
- тиббий-профилактика муассасалари (кўп тармоқли вилоят тиббиёт марказлари, касалхоналар, Республика шошилич тиббий ёрдам илмий маркази ва филиаллари, Республика ихтисослаштирилган илмий амалий тиббиёт маркази);
- хусусий тиббиёт ташкилотлари
- тиббий ассоциациялар.

**1.4. Халқ табобати малака тавсифномаси ишлатилади:**

- ушбу йўналишдаги мутахассисларга бўлган эҳтиёжни олдиндан кўра билиш, диплом олди, дипломдан кейинги таълим ва адаптация ўқув режа ва дастурлари ишлаб чиқилишида;
- тайёрлов, қайта тайёрлашни такомиллаштиришда, малака талабларини оширишда, профессионал фаолият йўналтириш ва таҳлил этишда,
- битирувчиларини якуний аттестация ўтказишда Давлат имтиҳон ҳайъати мақсад ва вазифаларини аниқлашда;
- олий таълим муассасаларида ва дипломдан кейинги тиббий таълим муассасаларида давлат ўқув меъёрлари, ўқув дастурлари, ўқув режалари ва тегишли йўналишларда ишчи дастурлар ишлаб чиқишда;
- халқ табобати мутахассисни фаолиятини баҳолаш ва назорат қилиб боришда.

## **1.5. Халқ таботати касбий тайинланиши ва иш фаолиятининг шарт-шароитлари:**

Халқ таботати мутахассиси – тор доирадаги малакали мутахассис ҳисобланади ва аҳолининг касалликларини ташҳислаш, халқ ва қўшимча таботат усуллари ёрдамида даволаш йўли орқали чора-тадбирларини олиб бориш учун етарли назарий билим ва амалий кўникмаларга эга бўлиши талаб этилади.

Халқ таботати мутахассиси аҳолининг соғлиқни сақлаш соҳасида ўз профессионал фаолиятини Соғлиқни Сақлаш вазирлигининг тиббий-профилактика муассасаларининг тегишли йўналиш бўғинларида олиб боради:

- Вилоят кўп тармоқли тиббиёт марказлари, поликлиника ва клиникалар, шифомасканлар (санатор-курорт масканлар), хусусий клиникалар;
- Олий тиббий маълумотга эга бўлган мутахассислар фаолият юритиши лозим бўлган соғлиқни сақлаш тизимининг ташкилот ва муассасаларида;
- Соғлиқни сақлаш ташкилотлари, олий ва ўрта махсус ўқув юртларида, олий тиббий маълумотга эга мутахассислар эгаллаши мумкин лавозимларда.

## **2. Халқ таботати мутахассис малака тавсифномаси**

### **2.1. Халқ таботати мутахассис билими:**

- турли касалликларни даволашда халқ таботати усулларини қўллаш;
- "Ибн Синонинг тиббий меросини";
- Шарқ таботати даволаш усулларни ва шарқ таботати фалсафасини;
- Халқ ва қўшимча таботат ва замонавий тиббиётни интеграцион услубларини;
- даллиларга асосланган халқ таботати усулларни;
- шарқ таботати патологик синдромларни;
- Хитой, Корея, Хиндистон ва бошқа халқ таботати кенг тарқалган давлатларда турли касалликларда қўлланиладиган усулларни;
- нормал ва патологик ҳолатларда ноънанавий омилларнинг хусусиятларини ва уларнинг организмга таъсир қилиш механизмининг;
  - касалликнинг турли босқичларида халқ ва қўшимча таботати усулларни диагностика, ташҳислаш ва даволашда қўлланилишини *билиши ва улардан фойдалана олиши*

### **2.2. Халқ таботати мутахассис кўникмаси:**

- касаллик тўғрисида ахборот қабул қилиш, беморни текширишни объектив усулларини қўллаш, болалар ва катталарда касалликнинг умумий ва ўзига хос белгиларини аниқлаш;
- махсус текширув усулларини белгилаш (лаборатор, рентгенологик ва функционал);
- дифференциал ташҳислашни ўтказиш, клиник ташҳисни асослаш;

- турли касалликларда фитотерапия рецептларни аниқ ва тўғри тавсия бериш ва ёзиш;
- беморга диагностик усулларни ўтказиш ва ташхис қўйиш;
- беморга акупунктура муолажасини мустақил ўтказиш;
- физиотерапевтик муолажаларни қўллаш;
- беморларга анъанавий гимнастика усулларни режалаш, тўғри тавсия қилиш ва мустақил ўтказиш;
- мануал терапия усулларни танлаш ва ўтказиш;
- диетотерапияни қўллаш;
- беморга реабилитация дастурини индивидуал равишда тузиш;
- соғлиқни сақлаш тўғрисидаги қонун ҳужжатларига мувофиқ тиббий ҳужжатларни расмийлаштириш;

### 2.3. Асосий назарий билимлар

#### Халқ табобати мутахассиси билиши керак:

- ЎзР тиббиёт соҳасининг ривожланиш стратегияси ва бошқарув тузилмаси (концепция, тамойиллар, асосий йўналишлари);
- соғлиқни сақлаш соҳасида Давлат сиёсати ва унинг амалга оширилишида барча бошқарув органларининг масъулияти;
  - халқ табобати йўналишидаги мейерий ва директив ҳужжатларни;
  - соғлиқни сақлаш тизими ва уларда олиб борилаётган ислохотлар;
  - соғлиқни сақлашни ривожлантиришнинг асосий сиёсий тамойиллари, стандартлари, истикболлари;
  - Ибн Сино тиб қонунларни ва шарқ тиббиёти фалсафасини;
  - саломатлик ва патология тушунчаларни ва асосларни;
  - замонавий тиббиётидаги диагностик, ташхислаш ва профилактика усулларни;
  - шарқ тиббиёти ва бошқа халқлар табобатини асосларини;
  - далилларга асосланган тиббиёт принциплари;
  - турли патологик ҳолатларда тизимларни функционал ва лаборатор текширувларни;
- стационар, поликлиника, санаторий, шифомаскан ва қайта тиклаш реабилитацион марказида ишни ташкил этиш;
  - соғлом ҳаёт турмуш тарзини ташвиқот қилишни;
  - соғломлаштириш, профилактика, санитария-гигиена тадбирларини ўтказишни ҳақида
- акупунктура, акупрессура усулларида хавсизлик қоидалари;
- касалликнинг турли босқичларида игнарефлексотерапия, массаж ва бошқа усуллари ўз вақтида қўллаш ва уларни бир бирига мослаш;
- турли касалликларида шарқ массаждарни техникаси ва усуллари;
- турли касалликларида шарқ жисмоний гимнастика асослари ва усуллари;
- фитотерапия асослари, хусусиятлари, организмга таъсир механизмлари, кўрсатмалар ва қарши кўрсатмалар;



- халқ табобатида диагностика усуллари;
- диетология ва нутрициология асосларни ва турли касалликларда қўлланлишини;
- кинезиология ва остеопатия асосларини;
- мануал терапия асослари;
- натуропатия асосларини;
- беморни асосий, ёндош касалликларини, кўрсатма ва қарши кўрсатмаларини ҳисобга олган ҳолда, касалликнинг аниқ нозологик турларида муолажаларнинг оптимал мажмуасини ишлаб чиқишни;

### **3. Аҳоли саломатлигини сақлаш ва касалликларнинг олдини олишда (профилактикасида) халқ табобати мутахассисининг урни.**

Халқ табобати мутахассиси фаолиятининг асосий йўналиши аҳоли соғлигини сақлаш, касалликларни олдини олиш, эрта ташҳислаш ва даволаш ҳисобланади.

#### **3.1. халқ табобати мутахассисининг мажбуриятлари:**

- аҳолининг тиббий онгини ошириш;
- соғлом турмуш тарзи тарғиботи;
- турли этиологияли касалликлар олдини олиш чора тадбирларини ўтказиш;
- турли этиологияли касалликларининг профилактикаси масалалари бўйича маслаҳат олиб бориш;
- турли этиологияли касалликлардан кейинги асоратларини профилактикаси масалалари бўйича маслаҳат олиб бориш;
- турли касалликларни эрта ташҳислаш чора тадбирларини ўтказиш;
- турли касалликларни ташҳислашни ўтказиш, уларни кечишини назорат қилиб бориш;
- турли касалликларда шошилишч ёрдам кўрсатиш;
- турли касалликларга чалинган беморларнинг диспансер кўзатувини олиб бориш;
- турли касалликларни даволашда халқ ва қўшимча табобати даволаш усуллари ва дори воситаларини оқилона қўлланилиши назорат қилиб бориш;
- турли касалликларда меҳнатга лаёқатликни аниқлаш комиссиясига йўлланма бериш, енгиллаштирилган шароитдаги иш жойига жойлаштириш кўрсатмаларини ва санатор-курорт давога кўрсатмаларни аниқлаш;
- аҳоли соғлиги ҳолатини таҳлил қилиш, ҳисобот тиббий ҳужжатларни юритиш;
- турли касалликларга чалинган беморлар ва ногиронлар, қариялар, ёлғиз инсонларга ижтимоий муҳофаза ташкилотлари ва бошқа муассасалар билан ёрдам кўрсатиш;
- халқ табобати мутахассиси ўз ҳуқуқ ва мажбуриятлари, шунингдек беморлар ҳуқуқини билиши лозим.

#### 4. Соғлиқни сақлаш бирламчи тизимида кўрсатиладиган тиббий ёрдам хажми.

4.1. Кўрсатиладиган (*тиббий ёрдам тури*) даражасига кўра халқ табобати мутахассиси томонидан бажариладиган фаолият:

- соғлиқни сақлашнинг бирламчи тизимида аҳоли ўртасида кенг тарқалган касалликлар профилактикаси, эрта ташхиси, дастлабки тиббий ёрдам, рационал даволаш, реабилитация ва диспансер кузатув.
- аҳолининг тиббий билимини ошириш;
- соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш (жисмоний тарбия ва спорт билан шуғулланиш, рационал овқатланиш, шахсий гигиена қоидаларига риоя қилиш ва ҳ.к.);

4.2. даволаш профилактика, диагностика ва (х.к.) тадбирларини ўтказилиши кўзда тутилган касалликлар рўйхати:

- Юрак қон-томир касалликларини (артериал гипертензия ва стенокардияда)
- Ҳазм тизими касалликларини (ошқозон ва ўн икки бармоқли ичак яра касалликлари, панкреатит, гастрит, холецистит ва гепатитлар)
- Сийдик ажратиш тизими касалликларини (пиелонефрит, буйрак санчиғи, цистит ва цисталгиялар)
- Эндокрин касалликларда (семизлик ва қандли диабет, қалқонсимон без касалликлари)
- Марказий ва периферик асаб касалликларини (церебрал атеросклероз, остеохондроз, юз нерви неврити ва уч шохли нерв невралгияси)
- Таянч-ҳаракат аппаратининг касалликларни (Бод касаллиги, ревматоид артритлар, Бехтерев касаллигида, реактив артритлар)
- Тери касаллиги ва аллергия ҳолатларда (псориаз, экзема, дерматитлар полиноз, эшакеми, аллергия тошмалар ва б.)
- Гинекологик касалликларда (аднексит, эндометрит, оғриқли хайз, бепуштлик) халқ ва қўшимча табобати усуллари билан даволашда касалликнинг кечиши, даволашда шарқ тиббиёти нуқтаи назаридан тавсиялар. Шарқ тиббиётида репродуктив саломатлигини тиклаш, сақлаш ва мустаҳкамлаш шакллари ва воситалари.
- Болалар касалликларда халқ ва қўшимча табобати усуллари билан даволашда касалликнинг кечиши, даволашда шарқ тиббиёти нуқтаи назаридан тавсиялар. Шарқ тиббиётида болалар саломатлигини тиклаш, сақлаш ва мустаҳкамлаш шакллари ва воситалари.
- Отоларингология, офталмология, травматологияда ва умумий жарроҳлик касалликларида халқ ва қўшимча табобати усуллари.

- Халқ табобати мутахассисининг эга бўлиши шарт амалий кўникмалар

### Халқ табобати мутахасис қуйидаги амалий кўникмаларга эга бўлиши керак:

- беморга диагностик усулларни ўтказиш ва ташхис қўйиш;
- физиотерапевтик муолажаларни қўллаш ва ташвиқот қилиш;
- турли массаж ўтказиш;
- акупунктура ва бошқа халқ табобати усулларни самарадорлигини назорат қилиш.
- фитотерапия рецептларни аниқ ва тўғри тавсия бериш ва ёзиш;
- фитотерапия самарадорлигини назорат қилиш;
- беморларга гимнастика усулларни режалаш ва тўғри тавсия қилиш ва мустақил ўтказиш;
- мануал терапия усулларни танлаш ва ўтказиш;
- беморларга пархез ва рационал диетотерапия танлаш в тавсия қилиш;

### 6. Халқ табобати мутахасисининг муносабатларига қуйиладиган талаблар

Беморларга нисбатан халқ табобати мутахассиси томонидан кўрсатиладиган муносабат

- Шифокор деонтологияси
- Шифокорлик сирини сақлаш
- Бемор ва унинг оиласи учун маълумотларни тақдим этиш ва маслаҳат бериш
- Сурункали касалликлари бўлган беморларни динамикада кузатувини олиб бориш
- Беморлар ва ижтимоий ҳимояланмаган гуруҳларни парваришлаш бўйича назоратни амалга ошириш
- Гуруҳли ишлаш ва меҳнатни ташкил этиш
- Бошқа муассаса ходимлари билан ҳамкорлик
- Консультантларни жалб этиш
- Замонавий ташҳислаш ва даволаш усулларини ўрганиб бориш
- Ҳисобот ва ҳужжатларни тўғри юритиш
- Касбий таълимни ўзлуксиз олиб бориш
- Компьютерда ишлаш, интернет тармоғига кириш ва инглиз тилини билиш
- Вақт менежмент ива меҳнатни ташкил этишни тадбиқ этиш

## **7. Узлуксиз касбий таълим ва халқ таъботати мутахассисининг аттестацияси**

Халқ таъботати мутахассиси ўз касбий билим кўникма ва билимларини ўзлуксиз мустақил ўқиш йули билан такомиллаштириб бориши лозим. Халқ таъботати мутахассиси шифокорлари олий тиббий ўқув муассасаларда, малака ошириш циклларида сертификат ва/ёки гувоҳнома олиб ўқишлари мумкин.

Халқ таъботати мутахассиси соғлиқни сақлаш бошқармалари ёки халқаро ташкилотлар томонидан туман, вилоят, республика босқичларида ташкил этилган қисқа муддатли ўқув курслари ва семинарларда қатнашиб, улар якунида сертификат, аттестат, гувоҳномалар олиб иштирок этиши лозим.

Муҳим шифокор ҳудуди бўйича лойиха тузиб, унинг натижалари даволаш кенгашида муҳокама қилинади.

Ҳар бир халқ таъботати мутахассиси аҳоли соғлиқини сақлаш ва тиббий ёрдам кўрсатиш борасидаги ўтказилган ишлар бўйича ҳар йили ҳисобот тақдим этишга мажбур.

Ҳар 5 йилда халқ таъботати мутахассиси ва педагог тегишли вазирлик томонидан белгиланган ҳажм ва даврда ўз малакасини тасдиқлаш учун малакавий аттестацион имтиҳон топширишга мажбур.